

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
“ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Музайямхон Фармонова

**ҚАДРИЯТЛАР – МАЪНАВИЙ
КАМОЛОТ АСОСИ**

Илмий-услубий қўлланма

**“TASVIR NASHRIYOT UYI”
Тошкент – 2019**

УЎК 17.022.1

КБК 87.60

Ф 25

Фармонова, Музайямхон

Қадриятлар—маънавий камолот асоси/ Илмий-услубий қўлланма.
– Тошкент: “Tasvir nashriyot uyi”, 2019, 36 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди **Дилором Ташмуҳамедованинг** умумий таҳрири остида нашрга тайёрланди.

Тақризчи:

Исмоил Саифназаров –Тошкент давлат иқти-
садиёт университети ижтимоий фанлар кафед-
раси профессори, фалсафа фанлари доктори.

Мазкур илмий-услубий қўлланмада ёш авлодни ҳар томонлама
етук, баркамол ва ватанпарвар этиб тарбиялашда асрлар оша яшаб ке-
лаётган халқимизнинг маънавий бойлиги - миллий қадриятлардан са-
марали фойдаланиш масалалари хусусида сўз юритилади.

Мазкур қўлланма оиласлар, ёш ота-оналар, таълим муассасалари,
фуқаролар йигинлари мутахассислари ва маҳалла фаоллари, ушбу
соҳада илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар ҳамда кенг жа-
моатчиликка мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Илмий-услубий кенгашининг
2018 йил 14 сентябрдаги 4-сонли йигилиш баённомаси билан нашрга
тавсия этилган.

СЎЗБОШИ

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, зардўштийларнинг муқаддас китоби – “Авесто”да ҳамда буюк аждодларимиз – Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий асарларида инсонда юксак ахлоқий фазилатларни камол топтиришда оила ва миллий қадриятлар масаласи асосий ўринни эгаллаган. Маълумки, ўзбек оиласи ўзида миллатимизга хос кўп асрлик маънавий қадрият ва анъаналаримизни, удум ва расм-руссумларимизни, маънавий-маърифий, маданий меросимизни сақлаб кела-ди. Оилада шаклланган ўзбек миллатига хос бўлган муомала маданияти, меҳр-оқибат, муруват, андиша ва ор-номус каби одоб-ахлоққа оид ҳис-туйғулар нафақат тарбия вазифасини ўтайди, балки инсоний қадриятлар ва фазилатларнинг намоён бўлишида, комил инсонни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Оилада ота-онанинг тинч-тотувлиги ва ўзаро меҳр-муҳаббати, дунёқараши, маънавий сави-яси, қизиқиши, эътиқо-ди, жамиятдаги мавқеи, ҳусн-латофати фарзанд тарбиясига маълум маънода таъсир ўтказади. Бундай оилада тарбияланган фарзандлар гў-заликка иштиёқманд, руҳий тетик, бағри бутун, ҳаётга қизиқувчан, хотиржам, тинч-тотув оилавий ҳаёт кечиришга тайёр бўлиб ўсадилар. Шарқда миллий қадриятларни фарзандлар онги ва қалбига сингдириш оиладан бошланади. Жумладан, ёшлар катталардан: сувга тупурма, нон усти-

“Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У ҳалқларнинг қонида, тарихий хотиррасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади.”

Ш.Мирзиёев

заликка иштиёқманд, руҳий тетик, бағри бутун, ҳаётга қизиқувчан, хотиржам, тинч-тотув оилавий ҳаёт кечиришга тайёр бўлиб ўсадилар. Шарқда миллий қадриятларни фарзандлар онги ва қалбига сингдириш оиладан бошланади. Жумладан, ёшлар катталардан: сувга тупурма, нон усти-

га нарса қўйма, ноннинг увоги ҳам нон, ёши улуғларнинг йўлини кесиб ўтма, ота-онангнинг гапини иккита қилма, устозингни ҳурмат қил, атрофингга бефарқ бўлма каби насиҳатларни эшитиб, турли ривоят, мақол, ҳикматларни тинг-лаб, хотираларида сақлаб вояга етадилар. Ёшлар бизнинг келажагимиз, улар ота-она ва аждодларимиз ишининг давомчилари ҳисобланади. Бизнинг асосий мақсадимиз – миллий ва маънавий қадриятлар асосида комил инсонни тарбиялашдир. Комил инсон деганда, энг аввало, дунёқараши кенг, ватанпарвар, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, масъулиятли ва соғлом кишиларни тушунамиз. Инсон фақат тарбия орқалигина комилликка эришади. Унинг маънавий даражаси атрофида юз берәётган воқеа-ҳодисаларни қандай қабул қилиши ва мустақил баҳолай олишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, таълим тизими ва маҳаллада ёшларнинг маънавий дунёқарашини мустаҳкамлашда миллий қадриятларга оид бой маънавий меросимиздан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, “Авесто”даги “Эзгу фикр – эзгу сўз – эзгу амал” ғояси бўйича фикр юритиш; Куръони карим, ҳадиси шариф каби муқаддас манбаларда келтирилган маънавий-маърифий ўгитлар орқали ёшлар онгида руҳий поклик, эътиқод тушунчаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ОИЛА

Хар бир халқнинг миллий қадриятларини унинг тарихи, маънавияти, маданияти, ўзига хос урф-одатлари, ань-аналарисиз тасаввур қилиш қийин. “Қадрият дейилгандан инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гурухларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласдиган ва улар томонидан баҳоланиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим”¹.

¹ Қадриятлар ва ижтимоий тараккиёт (илмий ишлар тўплами). –Т; “Ўзбекистон”, 1997. Б.198;

“Қадриятлар – жамиятда кишилар ўртасида обўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмумаси”². “Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча”.³ “Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча”,⁴ - деган таърифлар берилган. Бу эса, ўз навбатида, қадриятларнинг аҳамиятини кўрсатмоқда. Миллий қадриятлар – миллат учун аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ хослик шаклидир. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда миллий қадриятларга эътибор кучайди. Бу она юрга эҳтиром, авлод-аждодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги билан тавсифланади. Қадриятларни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушуниш, изоҳлаш илмий жиҳатдан тўғри эмас.

Маълумки, қадриятлар ўз моҳиятига кўра хилма-хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятлар алоҳида ажralиб туради. Шундай бўлса-да, қадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, ҳаёти, ҳукуки ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. Инсон қадр-қимматини, шарафини улуғлаш жа-

Комилов Т., Абидова С. Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. ЎзРФА, “Фан”, 2000. Б.20;

Ортиков Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. - Т; “Ўзбекистон”, 1997.Б.48.

² Мустакиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати. (А. Жалолов ва К.Хонназаров умумий таҳрири остида). – Т; Шарқ, 1998, Б. 279

³ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. “Ғ.Үулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. Т; 2010. Б. 707.

⁴ Тарбия энциклопедияси. 2010. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Б.509.

миятимиз покланиши ва равнақининг муҳим омилидир.⁵

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Харакатлар стратегияси” – ислоҳотларнинг янги босқичи бўлиб, унда аҳолини, оилаларни маънавий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш етакчи ўринни эгаллайди. Шу ўринда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий қадриятлар асосида давлат идоралари ходимларининг уйма-уй юриб, ҳалқ дардини тинглаш, оғирини енгил қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари йўлга қўйилди.

Ғуломхон Ғофуров миллий анъаналарга бағишланган мақолаларидан бирида **миллий қадриятларнинг қўидаги кўринишларини тилга олган**: 1) табиий қадриятлар; 2) иқтисодий қадриятлар; 3) ижтимоий-сиёсий қадриятлар; 4) маънавий қадриятлар; 5) ахлоқий қадриятлар⁶. Жумладан, “Ота-боболаримиз илм ўргатиш билан бирга фарзандларимизга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган **миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларни** сингдирганлар.”⁷; “Ўзбекларнинг аксарияти... яқин одамларнинг, кўшниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги **маънавий қадрият**, инсон қалбининг гавҳаридир”⁸; “Иқтисодий қадрият – иқтисодий муно-сабатлар жараённада шахслар ўртасидаги ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, ишончлилик каби фазилатларнинг амал қилинишини англатадиган тушунча”.⁹ Шу ўринда қўни-кўшничилик қадриятини мисол қилиб келтиrsак, унда қўшнилар ўртасида ўзаро ишонч, ҳабар олиш ва моддий ёрдам бериш миллий қадрият сифатида биринчи ўринга қўйилган. Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар ҳаётий қадриятларнинг энг муҳим омиллари сифатида келтирилган. Ҳар бир қадриятнинг моҳи-

⁵ Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т; “Ўзбекистон”, 1998. Б.333.

⁶ Ғофуров Ғ. Миллий анъаналар//Халқ сўзи, 1993 йил. 11 февраль, Б. 2

⁷ Жалолов Ҳ. Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги. Тарбия. №2 (6), 2006. Б.13

⁸ Қодирова О. Оиласиий келишмовчиликлар. Тарбия №2 (6), 2006. Б. 22.

⁹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи– Тошкент; 2010. Б. 241

яти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисалари ни билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади.

Кейинги вақтларда тарбия масаласида қўлга киритилган ютуқларимиз қатори оиласда, мактаб ва жамоат ташкилотларида миллий, умуминсоний қадриятларнинг, анъаналарнинг устуворлигига эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол тоши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, – деган фикрлари ёш авлодни миллий қадриятлар асосида етук, баркамол этиб тарбиялашда барчамизга куч-ғайрат бағишламоқда¹⁰.

Сафо Очил ўзининг “Мустақиллик ва тарбия масалалари” номли рисоласида “Миллий қадриятлар ота-боболардан бизгача этиб келган удумлар: Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Наврӯз, уруғ-дон экиш ва ҳосил байрамлари, бешик тўйи, суннат тўйи, ўғил уйлантириш ва қиз чиқариш билан боғлиқ тўйлар, уй-жой тўйи, қазо билан боғлиқ турили маърака-маросимлар, шунингдек, ҳалқнинг ҳар хил анъаналари – ҳашар, ота-оналарга хурмат, ёшларга иззат, қарияларга мурувват, миллий одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш, илм олиш, оила мустаҳкамлигига эришиш, устозлар қадрига этиш, вафот этганлар қабрини зиёрат этиш, ҳалққа муҳаббат, Ватанини севиш ва ардоқлаш, аскарликка ўз ихтиёри билан бориш, байналмилалчи бўлиш, мулоим ва ширина суханлик ва шу кабиларни ўз ичига қамраб олади”¹¹.

Миллий қадриятларнинг асоси бўлган маънавият ва маданият деганда, инсон хулқ-атворининг гўзаллиги, саховатлилиги, олийжаноблиги, ваъдасига вафодорлиги, ҳаёлили-

¹⁰ Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. “Ўзбекистон”, 2016.Б.146.

¹¹ Сафо Очил. Мустақиллик ва тарбия масалалари. Т; “Ўзбекистон”, 1995. Б.5-6

ги, билим олиши, донолиги, бағрикенглиги, одоблилиги, озода ва покизалиги, қалбининг беғуборлиги, хушмуомалалиги ва шу сингари инсоний хислатлар тушунилади.

Ота-она ўз фарзандлари билан бевосита ва билвосита мулоқотда бўлиб, уларни маънан озиқлантирап экан, энг аввало, ўзлари ўзаро муомала жараёнида намуна бўлишлари ҳамда фарзандларини кўпроқ тинглаб, нутқий лаёқатини оширишга ҳаракат қилишлари сўнгра ўз фикрларини ахлоқ меъёрларига риоя қилган ҳолда суҳбатга оид ҳикматлар, мақоллар, ҳаётий мисоллардан келтириб тушунтиришлари жуда мухимдир. Таъкидлаш жоизки, диққат ва маҳорат билан эшитиш одоби ва малакасига “маҳорат билан эшитиш” билимларини мустаҳкамлаш орқалигинага эга бўлиш мумкин. Албатта, ижтимоий ҳаёт давомида оилада ота-она ва бола ўргасида турли воқеа ва ҳодисалар, тушунмовчиликлар бўлади. Инсоннинг энг соф туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оилада ота-онанинг қалб кўридан чиқадиган меҳр-муҳаббати, ширин сўзи орқали шаклланади. Боланинг характеристи, табиати ва дунёкаршини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – эзгулик, олижаноблик, меҳр-оқибат ва ор-номус каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила мұхитида қарор топади.

Шундай экан, оилада ножӯя иш қилиб қўйган бола йиғлаганда она ёки ота дўқ уриб, “Хозироқ йиғини тўхтат！”, деб қаттиқ гапириши ярамайди. Чунки, бола нотўғри ёки айб иш қилганини ўзи ҳам англаган ва қўрқиб кетганидан йиғлаб юборган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ота ёки она болани бағрига босиб, тинчлантириб, унга эҳтиёт бўлиш кераклигини айтишининг ўзи кифоя. Аксинча, ота-она ўзидан итариб, уни жазолаб, қўпол муомалада бўлса, бола “стресс” ёки “шок” ҳолатига тушиб, унинг нутқига, фикрлашига, эшитиш, холоса чиқариш қобилиятига салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Кўп ҳолларда кечки пайт ёки нонуштадан олдин фарзандлар ота-онага мурожаат қилганларида улар болани охиригача тингламай, “хозир вақтим йўқ”, “шошиб

турибман”, “халақит берма” каби фикрий эҳтиёжини қониктирмайдиган жавоблар берадилар. Бундай муносабат болага салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, ундаги ижодкорликни, ташаббускорликни сўндиради, оила аъзолари билан маслаҳатлашиш каби одатларнинг сусайишига олиб келади.

Юқоридаги вазиятлардан узокроқ бўлиб рисоладагидек муносабатларни шакллантиришда аждодларимиздан бизга мерос қолган ахлоқий, маънавий, маданий қадриятларни билиш, ўрганиш ва ҳаётда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибининг “Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири – тил, бошқаси – юрак. Тил сўз учун, юрак, кўнгил эса шу сўздан лаззатланиши учун берилган”, деган фикри ота-оналарни ва ёшларни гўзал, чиройли сўзлайдиган, маънавий баркамол, юксак одоб ва илм эгаси бўлишларида қўл келади.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ: МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”

Мамлакатимизда бугунги глобаллашув жараёнида ёшларни миллий қадриятлар асосида интеллекти юқори ва ватанпарвар қилиб тарбиялашга катта аҳамият қаратилмоқда.

Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила” номли асарида болаларни “диққатлари ва зеҳнлари чуқур ва жиддий бўлишига ўргатинг.... Кўрганлари устидан тез хулоса чиқармасинлар”, – дея таъкидлаб, фарзанд тарбиясига эътибор бериш лозимлигини уқтиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг қомусий хужжати бўлиб, бу хужжат таҳлил қилинганида унда ёшлар тарбияси, ахлоқ-одоби, ижтимоий ҳимоялангани, конституциявий ҳақ-хуқуқларига оид етмишга яқин атама ва сўз бирликлари мавжуд экани маълум бўлди. Жумладан, бунёдкорлик ғояларига содиқлик, юксак масъулият, ижтимоий адолатпарварлик, инсонпар-

варлик, демократик-хукуқый давлат, фуқароларнинг тинчлиги, миллий тотувлик, халқимизнинг урф-одатлари ва ань-аналари, қадриятлари, ижтимоий ҳаётда мафкуралар хилма-хиллиги ва эркинлиги, инсон ва жамият муносабатларидаги ижтимоий адолат, дунё ҳамжамиятида халқлар ва миллатларнинг суверен тенглиги, фуқароларнинг эътиқоди, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдидаги тенглиги, шаъни ва обрўсининг дахлсизлиги, фуқароларнинг виждан эркинлиги, адолатли меҳнат, ижод эркинлиги ва ҳар бир шахснинг маданий ютуқлардан фойдаланиш эркинлиги, ёш авлодни тарбиялаш ва бепул таълим олиши каби фикрлар келтирилган бўлиб, улар Боз Қомусимизда ҳукуқий жиҳатдан кафолатланган.

Одоб-ахлоқ миллий қадриятларимизнинг таркибий қисмидир. “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”¹². Дарҳақиқат, ёш авлодни қонунийлик принциплари асосида ўз халқига, унинг қадриятларига, аньаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва хурмат руҳида тарбиялаш орқали ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш долзарбдир. Биламизки, ёшлар ижтимоий гурух сифатида, ўзи кўзлаган мақсади йўлида мамлакатдаги ижтимоий тизим ривожига бевосита фаол таъсир кўрсатади. Ёшларнинг ижтимоий ривожланишини уларнинг маънавий савияси даражаси орқали аниқласа бўлади. Ёшларнинг маънавий қарашлари миллий, диний, ўз-ўзини англаш ҳолатлари, талаблари, ҳаётдаги фаолияти орқали ўз аксини ифода этади. Шу йўналишда ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра, ёшларнинг фикрича, одамнинг маънавиятини белгилаб берувчи асосий сифатлар бу – “Ҳақгўйлик” (60,8%), “Миллий

¹² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. . Т; “Ўзбекистон”, 2012. II-боб. 14-модда. Б. 5.

қадриятларни ҳурмат қилиш” (55,5%), “Ўз ҳалқининг тарихини яхши билиш”, “Миллий ғуур туйғусини ривожлантириш” (44,2%), “Қалб поклиги” (39,1%), “Камтарллик” (39,5%), “Миллатлараро ва худудлараро бағрикенглик” (29,6%), “Экстремистларга салбий муносабаг” (19,5%), “Меҳнатсеварлик” (0,5%), “Маданийлик” (0,9%), “Билимдонлик” (0,7%) кўрсатилган¹³. Сўров-тадқиқотларда қатнашган респондентлар фикрига кўра, ёшларимизнинг ярмидан кўпи пораҳўрликини – 54%, такаббурликини – 52,7%, шу билан бирга, иккизламачиликни – 17,3%, бепарволикни – 14,5%, текинхўрликини – 10,4%, ёлғончиликни – 1,7%, ҳасадни – 0,5%, ғийбатни – 0,6%, тухмат, дангасалик ва қўпполликни – 0,2% ёқтирамас экан. Ёшларнинг фикри бўйича ҳалқнинг кучи миллатнинг бирдамлигига, унинг оламшумул аҳамияти, аввало, иқтисодиётида – 69,7%, куролли кучларида – 44,6%, илмда – 44,4%, сиёsatда – 41,5%, одобилигига – 37,7% деб таъкидлашган¹⁴.

Натижалардан кўринадики, ёшлардан “одамнинг маънавиятини белгилаб берувчи асосий сифатлар” сўралганида, салбий ахлоқий қарашларга жуда кам фоиз берилгани, ахлоқий қадрият сифатлари эса юқори баҳолангани ўғил-қизларимиз бугунги куннинг етук, баркамол, ватанпарвар фарзандлари сифатида камол топаётганларидан далолат. Таъкидлаш жоиз, Ватан сўзининг маъносига Ўзбекистон ёшлари алоҳида ургу беришар экан. Ёшларнинг аксарияти “Дунёда давлатлар кўп, лекин бизнинг Ўзбекистон Ватанимиз – ягона ва ҳеч қаерда топилмайди”, деган фикрларни билдиришгани диққатга сазовордир.

Албатта, сўнгги йилларда республикамида фан, маданият, ишлаб чиқариш, таълим соҳасида жадал ривожланишлар суръати яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар тизимга янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларнинг ки-

¹³ Қаюмов Ў. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари. Т; “Ижтимоий фикр”, 2011. Б.44-45.

¹⁴ Ўша манба, Б. 45.

риб келишига асос бўлди.

Инсон маънавий олами бўйича ўнга яқин мақолалар муаллифи Абдухалил Маврулов ўзининг “Ватанни севиш масъулияти” китобида ёшлар ҳақида шундай фикрларни илгари сурган: “Ёшларимизнинг аксарияти даврнинг руҳини тўғри хис этмоқда. ... Айни пайтда ёшларда ақл ва фаросатнинг мутаносиблигини таъминлашга бўлган интилиш жамият барқарорлигини мустаҳкамловчи омил сифатида баҳоланиши мумкин. ... Эришилган ютуқлар қатори ёшларимизнинг айрим қисмидаги мавжуд бўлган, баъзан янгидан пайдо бўлаётган салбий ҳолатлар, ушбу вазиятга айрим катталарнинг муносабати-ю ўша ёшларнинг бундай иллатларга нисбатан ёндашуви хавотирли. Баъзи ёши улуғларнинг ёшларимиз дунёқарашидаги муайян салбий ўзгаришларга нисбатан “замон ўзгарди, ёшлар ҳам ўзгарди-да ёки бундай ҳолни “табиий жараён” сифатида таҳлил этишга уринишлар ҳам мавжудки, бу ҳар қандай илм аҳлини ташвишга солиши табиий”¹⁵. Бугунги глобаллашув ва тезкор ривожланиш даврида инсонлар ўзгармоқда, қадриятлар трансформацияси юз бермоқда. Булар “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшлар тарбиясига етарли эътибор қаратилмагани оқибатида ўтган йили (2016) 18 дан 30 ёшгача бўлган фуқаролар томонидан жами 31 минг 933 та жиноят содир этилган”¹⁶, – деган фикрлари барчамизни огоҳликка чорлайди.

Маданият – миллий қадриятнинг асоси бўлиб, кишилик жамияти ёки бирор халқнинг ишлаб чиқаришда ижтимоий ва

¹⁵ Маврулов А. Ватанни севиш масъулияти. Т:“Sano-standart” Б. 46.

¹⁶ Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. “Ўзбекистон”, 2016.Б.324

маънавий ҳаётда эришган ютуқлари ҳисобланади. Қадимги Римда инсон томонидан табиатни ўзлаштириш “Cultura” деб аталган¹⁷. “Оммавий маданият” тушунчасига ўзбек олимлари куйидагича таъриф беради: “Оммавий маданият” – маданият мавжудлигининг мураккаб ҳамда ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни Farb маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шуннингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган”¹⁸. “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати”да ҳам худди шундай изоҳ берилган¹⁹. Файласуф олим А.Эркаев “Оммавий маданият” дунёда жуда тез ва кенг тарқалди. “Оммавий маданият”да баъзи бир ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий жиҳатлар ҳам кўп. Энг аввало, “оммавий маданият” инсонни барча соҳаларда, жумладан, маданият ва дам олиш, бўш вақтни ташкил қилиш борасида ҳам индивидуаллигини йўқотган истеъмолчига айлантириб қўяди. Унинг истеъмол қилаётган маънавий-маданий маҳсулотлари, “санъат асарлари” эса стандартлашган, миллий қиёфасиз (поп-арт) товарга айланади. Мусикада ва ашулачилика “рэп”, “рок” каби жанрлар, жангарилик, мистик-фантастик фильмлар, триллерлар, блокбастерлар фикримизни тасдиқлайди”, -деб ёзади.

“Оммавий маданият” ниқоби остида вақти-вақти билан пайдо бўладиган турли ижтимоий ҳаракатлар ва гурухлар (“хиппи”лар, “пранк”лар, “рокер”лар ҳамда “гей”лар (бесоқолбозлар) ҳаракати, антиглобалистлар ва ш.к.), фаҳш ва зўравонликни, “вампир”лик ва жодугарликни тарғиб қилувчи фильмлар, очиқчасига порнографик саҳналардан иборат видео лавҳалар, дисклар ва бошқалар таъсири эса инсон шахсини емиришга, жамиятни дегуманизация қилишга олиб келади. Бундай шароитда ёш авлодни, миллий мада-

¹⁷ Словарь иностранных слов. М;1964. С.348

¹⁸ Фалсафа: қомусий лугат. – Т; «Шарқ», 2004. Б.313.

¹⁹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. Т; Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2010. Б.460.

ниятни қандай ҳимоя қилиш керак, деган масаланинг ўзи жиддий сиёсий, маънавий ва илмий муаммога айланади”²⁰, – деб ҳақли равишда эътироф этади Ш.Ғойибназаров.

Давлатимиз раҳбарининг “Ёшлар, хусусан, ўсмирлар орасида безорилик, жиноятлар сони ортишига қандай омиллар сабаб бўляпти? Баъзи йигит-қизлар учун меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат”, – деган фикрлари ҳам бежиз эмас²¹.

Бундай маълумотлар кишини беихтиёр ўйга толдиради. Хўш, ўсмирлар ота-она, мактаб, маҳалланинг қуршовида, эътиборида бўлса-да, бундай гурухларга қандай қўшилмокдалар? Маълумки, инсон хукуқбузарлик йўлига жамият, оила, мактаб билан узвий алоқанинг узилиши туфайли киради.

Президентимизнинг “Ёш оиласлар орасида арзимас сабаблар билан ажрашишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вактида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда. ...Яна бир ноҳуш ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман: оиласларда носоғлом мунносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда”²², – деган фикри барча оиласлар, таълим-тарбия тизими, оила билан боғлиқ давлат ва жамоат ташкилотларининг бу масалага илмий, амалий ва инновацион жиҳатдан ёндашишлиари зарурлигини кўрсатмоқда. Ўргага қўйилаётган оилавий ва ёшлар тарбиясига оид муаммоларнинг қуидидаги сабаблари бор: а) катталарнинг ўсмирларга шахс сифатида эмас, таъсир обьекти сифатида қарashi; б) ўсмирлар катталар ҳа-

²⁰ Қаранг: Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият Т; “Ўзбекистон”, 2012. Б.13-14.

²¹ Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. “Ўзбекистон”, 2016.Б.486

²² Ўша манба.Б.487

ракатида ўзларига мос бўлмаган ахлоқни кўриб, сезсалар улардан қоча бошлайдилар, натижада, улар ўзларини алдамайдиган, тенг кўрадиган одамни излашни бошлайдилар; в) жуда кўп болалар учун оила ҳаётий мисолларда тажовузкор ахлоқ ва психик жароҳатни келтириб чиқарувчи вазиятларнинг асосий манбаи ҳисобланади; г) ўсмир ўзи яшаётган оилани дўстларининг оилалари билан солиштиради, ундан тўғри ёки нотўғри хулоса чиқаради; д) ўқитувчи ўсмирнинг оилавий шароитини ўрганмасдан муомала қилиши, унинг ахлоқи кескин ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин; е) ўсмир ҳаётининг шароитлари (етимлик, жиноятчилик, жисмоний ва психик заифликлар). Жиноятчиликнинг катта фоизи ҳаёт шароити ўта оғир бўлган ўсмирлар, яъни жиноятчи, ота-она ёки ҳар иккови мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи, жанжалкаш оилаларнинг болалари, жисмоний ва психик оғишга мойил бўлганлар ҳисобига тўғри келади. Ўсмир ва ёшларни бундай ахлоқий ҳолатлардан ва турли-туман оғишлардан, иллатлардан, ёмон гурухларга кириб қолищдан сақлашда нажот кўприги бўлиб хизмат қиласидиган ягона нарса – бу ўсмир қалбига йўл топа олиш, у билан дўстона, самимий, ўзаро ишонч асосига қуриладиган муносабат ўрната олишдир²³. Баъзи отаоналар фарзанди яхши инсон бўлишини истаб, уларга эътиборни ҳаддан ташқари кучайтириб, ўзлари билмаган ҳолда унга барча шароитлар, компьютер, қиммат кийим-кечаклар, кези келса қўлига пул, уяли телефон олиб берадилар. Бундай тарбияни илмий тилда (гиперопека) дейилади. Отаона қўз қорачигидай асраб, бутун куч-куввати ва меҳрини бериб, оқибатда боқибегам, ландавур ёки текинхўрни, меҳр-шафқатсиз фарзандни тарбиялаши ҳам мумкин²⁴. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда болани ёшлигиданоқ унинг хулқи шаклланишига, миллий-ахлоқий, маънавий-маданий қадриятлар, миллий истиқлол мафкураси асо-

²³ Юсупова Л. Ўзаро ишонч тарбия воситаси бўлсин. - Бола ва замон. №2. 2006. Б.33.

²⁴ Мажидов Н. Оила – муқаддас Ватан. Соғлом авлод учун. №1.2000. Б.19

сида Ватанга содиқ қилиб тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Маънавий қадриятлар амалий жиҳатдан кенг маънода инсоннинг барча хатти-ҳаракати, фаолияти, хулки, одоби, инсонлар билан бўлган муносабатларида намоён бўлса, тор маънода одамларнинг фалсафий, диний, сиёсий, ахлоқий, ҳукуқий қараашларида, тафаккури, дунёқараашларида намоён бўлади. Бугунги инновацион технологиялар ривожланиб бораётган даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Маънавият инсон руҳиятини ифодалайди. Яъни, ўзлигини англаш, дид-фаросат, ақл-идрок, яхшиликни ёмонликдан, эзгуликни жаҳолатдан, адолатни разилликдан, огоҳликни лоқайдликдан, оқилликни жоҳилликдан ажратса билиш қобилиятини белгилайди. Маънавият чексиз борлиқнинг инсон руҳида ифодаланиши ҳамда комил инсоннинг онги, қалби, виждонидир.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Инсоният пайдо бўлиши билан унинг тили, урф-одатлари, аньланалари, дини, маданияти, эзгуликни ифодаловчи ахлоқий фазилатлари вужудга кела бошлаган. Уларнинг мазмунида халқнинг ҳаёт тарзи, руҳияти, маънавияти, маданияти, турмуш тарзи, ўй-хаёллари акс этган. Миллий қадрият – миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Қадрият атамаси арабча “қадр” сўзидан олинган бўлиб, қимматли, фойдали деган маънони англатади. Қадрият – бу табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжни қондиришга хизмат қиласидиган моддий-мадданий, маънавий омиллар йигиндисидир. Бизнинг менталитетимизга хос бўлган миллий қадриятлардан андиша,

сабр-тоқат, вазминлик, мулозамат, сертакаллуфлик, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, ижтимоий ҳаётда босиқлиқ қон-қонимизга сингиб кетган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек халқи **миллий, маънавий қадриятлар** ва ахлоқ одобга бағишиланган маҳсус теран таълимотларнинг мерос-хўридири. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-хақойик” асарлари, Кайковуснинг “Қобуснома”, Бурҳониддин Марғинонийнинг етти китобдан иборат “Ҳидоя”²⁵, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”²⁶ номли одоб-ахлоқ меъёrlа-рини батафсил ёритиб берган асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган.

Б.Зиёмуҳаммадов ўзининг “Комилликка элтувчи китоб”²⁷ асарида “Қадрият” сўзига қуидагича таъриф беради: “Кишини қуршаб турган чексиз кўп нарса ва ҳодисалар, шу жумладан, миллий маънавият ичидан ҳам, муайян шахс ёки ижтимоий гуруҳ ё конкрет бир миллат ёхуд бутун инсоният учун алоҳида аҳамиятга, қадрга эга бўлғанларини қадрият дейилади. “Моддий қадриятлар – кишилар моддий эҳтиёжларини қондириб, ўзига хос хусусияти ва шаклла-рига кўра одамларда алоҳида ҳис-туйғу уйғотовучи моддий нарсаларга айтилади. Уларга буюк иншоотлар, боғ ва хиёбонлар, антиқа уй-рўзгор буюмлари, тарихий қимматга эга бўлган уй анжомлари, қурол-яроғ, озиқ-овқат, шахсий буюмлар ва шунга ўхшаш нарсалар киради.

Қадриятлар – умумбашарий, миллий ва шахсий бўлиши мумкин:

1) Олам, табиат ва жамиятнинг энг муҳим томонларини, алоқадорликларини ифодалайдиган қадриятлар умумбашарий хусусиятга эга. Бундай қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, умумбашарий абадий қадриятлардир;

2) Муайян бир элат, миллат, халқнинг ҳаёти, турмуштарзи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналари, ўтмиши ва

²⁵ Марғиноний Б. “Ал-Ҳидоя”, 1-жилд. Т; 2001; Яна қаранг “Ҳидоя”, ЎзМЭ, 11-жилд.Т; 2005. Б. 326

²⁶ Кошифий В.Ҳ. Ахлоқи Муҳсиний. – Т; ЎзМЭ, 2010.

²⁷ Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Т; “TURON-IQBOL” нашриёти, 2006. Б.73.

келажаги билан боғлиқ қадриятлар миллий қадриятлардир;

3) Инсон, унинг фаолияти, турмуш тарзи, эътиқоди, умр маъноси, одоби, гўзаллиги билан боғлиқ қадриятлар шахсий қадриятлардир²⁸.

Х. Қодирова ўзининг “Миллий қадриятлар ва маънавий мероснинг жамият ҳаётидаги ўрни” номли мақоласида: “Ўзбекистон халқи умуминсоний ва миллий қадриятларга таянади. Буларнинг бири иккинчисини инкор этмайди. Миллий қадриятлар қўйидагилардан иборат, деб қўйидагиларни санайди:

1. Халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳининг устуворлиги;

2. Халқ онгига устувор бўлган фикр – дўст ва яхши кўшни бўлиб, тинчлик ва тотувликда, яқиндан ҳамкорликда яшаш;

3. Оила, маҳалла, эл-юрт, Ватан тушунчаларини муқаддас билиш;

4. Ота-она, маҳалла жамоаларига, раҳбарларга юксак ҳурмат-эътибор кўрсатиш, бутун жамиятни ҳурмат қилиш;

5. Миллатнинг ўлмас руҳи, миллат маънавиятининг ҳаётбахш манбаи сифатида она тилига муҳаббат уйғотиш, уни севиш;

6. Катталарга ҳурмат-эҳтиром, кичикларга иззат-эътибор, деган қоидага амал қилиш;

7. Аёл зотига эҳтиром кўрсатиш, яъни, муҳаббат, гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган аёлни қадрлаш;

8. Сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик;

9. Ҳалоллик, меҳр-оқибат²⁹ни назарда тутади.

Бир қатор олимлар томонидан ёзилган “Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари” номли китобда Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш йўли тўртта асосий негизга асосланади:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик;

²⁸ Тарбия энциклопедияси. –Т; “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010. Б.509-510.

²⁹ Жалолов Х. Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги. Тарбия. №2-сон.2006.Б.13.

2. Халқимиз маънавий савиясини мустаҳкамлаш ва ри-вожлантириш;

3. Инсонни ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши

4. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, толерантлик,³⁰ – деб қайд этилгани ҳам айнан миллий қадриятларимиз асо-сида тарбиявий ишларни ёшлар ўртасида олиб бориша кўпроқ қандай йўналишларга эътибор қаратиш ва тарғибот ишларида маҳалла, оила, жамоат, тарбиявий муассасалар-нинг ўрнини кучайтириш зарурлигини кўриш мумкин.

Муаллифлар қадриятлар ва уларнинг турларига қуйида-гича ёндошганлар:

- **Оилавий қадрият** – бир оила учун маълум бир маъ-навият тури (масалан, туғилган кунни нишонлаш);

- **Миллий қадрият** – миллатнинг асрлар мобайнида яратган маънавий бойликлари, ноёб тарихий обидаларини авайлаб-асраш, келгуси авлодларга етказиш, ривожланти-риш, хурмат билан муносабатда бўлиш, хурфикрлилик, виж-дон ва дин эркинлигини қарор топтириш, маънавий мулкни миллий қадрият сифатида ҳимоя қилиш;

- **Жамоа қадрияти** – маълум бир маҳаллада, қишлоқда, меҳнат жамоасида бирон ижтимоий ҳодиса (оммавий тад-бирлар, масалан, ҳашар) урф бўлган;

- **Умуминсоний қадрият** – жаҳон халқлари учун ижо-бий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатла-рига мос келувчи моддий ва маданий ҳамда мезонлар маж-муаси мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади³¹.

Умуминсоний қадриятлар ва миллий маънавият, ўз нав-батида, Ислом халқлари маънавияти, Ҳиндистон халқлари маънавияти, Европа халқлари маънавияти, Шарқ халқлари маънавияти йўналишлари қўйидагича ёритилган;

- **Ислом халқлари маънавияти** – араб халқлари, фор-

³⁰ Тиллаева Г., Юсупов Қ., Бобоев Н., Халдибекова Ф., Юсупов А. Шахс маъна-виятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т: “Фалсафа ва хуқук инсти-тути” 2009. Б.12

³¹ Тиллаева Г., Юсупов Қ., Бобоев Н., Халдибекова Ф., Юсупов А. Шахс маъна-виятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т: “Фалсафа ва хуқук инсти-тути” 2009. Б.16

сийзабон халқлар, туркий халқлар;

• **Европа халқлари маънавияти** – рус, инглиз, француз маънавияти ва ҳоказолар;

• **Ҳиндистон халқлари маънавияти** – орий халқлар маънавияти, дравид халқлари маънавияти;

• **Шарқ халқлари маънавияти** – япон маънавияти, хитой маънавияти³².

Қадриятларнинг хилма-хил шакллари, моддий, маънавий, миллий, миңтақавий, умумбашарий, жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, ижтимоий оңг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, хуқуқий, ва бошқалар. Жумладан, миллий қадрият – миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Умуминсоний қадриятлар – жаҳон халқлари учун ижобий аҳамият касб этувчи инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маданий ҳамда мезонлар мажмуаси мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади³³.

МАҚОЛЛАР ВА МИЛЛИЙ ФАЗИЛАТЛАРДА ҚАДРИЯТ

Ўзбек халқ мақоллари ўзида халқнинг миллий маданий қадриятларини, унинг хусусиятларини ўзига хос тарзда акс эттиради. Ўз қадрини билган сўз қадрини билади. Биз йўқотган қадрини қайта топаётган халқмиз. Муқаддас китобларимиз, унутилган байрамларимиз, удумларимиз, одатларимиз тикланди, она тилимиз, тарихимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз бутун дунёга танилмоқда. Мен ўзбекман, деган ҳар бир фуқаро ўз юрти тарихини, маданиятини, маънавиятини, қадриятларини, тилини, динини билиши зарур.

Ҳикматлар ва мақоллар умрнинг кўрки бўлиб, уларни

³² Ўша ерда, Б. 17

³³ Темирова Н.Э. Қадриятлар ва ёшлар камолоти. –Т: Фалсафа ва хуқуқ институти. 2008. Б.26

қадимдан ота-боболаримиз ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб яратганлар ва бизгача қадрланиб, халқ оғзаки ижоди орқали етиб келган. Миллий маданият ва маънавият соҳасида кўплаб ишларни амалга оширган В.Н.Телиянинг таъкидлашича, мақоллар халқнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ маданий қадриятларнинг асрлар давомида анъанавий тарзда аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган улкан манбаидир³⁴.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Бир болага етти маҳалла – ҳам ота, ҳам она”, – деган мақолнинг ҳақиқий маъносини англайдиган вақт келди”, деб жон куйдиришлири бежиз эмас. Зоро, асрлар давомида халқимиз мақолларни миллий қадрият сифатида қадрлаб, бола тарбиясига масъулият билан ёндашган. Бундай миллий, маданий қадриятларнинг юзага келиши, албатта, мақол мансуб халқнинг минг йиллик тажрибаси билан узвий боғлиқ бўлиб, уларда оламни англашнинг ўзига хос тарзи, халқ дунёқараши акс этади. Хусусан, “Андишанинг оти – кўрқоқ”, “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор”, “Бош омон бўлса, дўппи топилади”, “Ёқаси қолса ҳам – беқасам”, “Маслаҳатли тўй тарқамас”, “Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши” каби мақолларда³⁵ миллий-маданий жиҳатлар тўлақонли акс этган. Қадимдан кишининг айбини юзига дангал айтмаслик, истиҳола қилиш ўзбекона одобнинг ажралмас қисми саналган. Шунинг учун бўлса керак, ўзбекларда “Андишанинг оти – кўрқоқ” каби мақоллар яратилган. Мазкур мақолнинг мазмуни “бирор киши кимнидир нафсониятига тегадиган гап айтса, ўша киши мулоҳазали эканлиги боис унга муносиб жавоб қайтармайди. Аммо мулоҳазасиз киши яна ўшандай гап-сўзларни қиласкерса, унга кинояли тарзда “Андишанинг отини

³⁴ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, pragmatический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школы «Языки русской культуры», 1996. – С. 241.

³⁵ Мақолада келтирилган мақоллар Шомақсадов Ш., Шораҳмедов Ш. ларнинг “Ҳикматнома” китобидан олинди.

күркөк күйманд” тарзида жавоб берилади. Ўзбек тилининг изохли лугатида ушбу мақолга қуидагича изоҳ берилган: 1. Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулҳаза. 2. Умуман фикр, мулҳаза. Қандайдир андиша тутмади тилини. (А. Мухтор). 3. Шарм-ҳаё, ор-номусга амал ҳисси. Биз Зулфия опанинг ёнларида бўлиб, у кишидан нафақат журнал ишини, одоб-андишани, ҳалолликни ҳам ўргандик. (“Саодат”³⁶). Ўзбек миллатига хос ибо, ҳаё, хушмуомалалиқ, юзга тик қарамаслиқ, ўзаро муносабатларда катталар ҳурматини жойига қўйиш каби фазилатлар доимо устун тургани ва “бетгачопарлик” ножӯя қилиқ, ўзбек одобига зид бўлган ҳолат экани учун ҳалқда шундай мақоллар яратилган. Ҳозирги ўзбек тилидаги “Етти ўлчаб, бир кес” мақолида ҳам ана шу жихат устунлик қиласди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир мақол таркибида миллий-лигимизга хос бўлган сўзлар бор. Масалан, “Тор жойда ош егандан – кенг жойда мушт еган яхши” мақолида **ош**, “Урвогига чидаган юпқа қилсин” мақолида **юпқа**, “Қазисан, қартасан, асли зотингга тортасан” мақолида **қази** ва **қарта**, “Ёқаси қолса ҳам – бекасам” мақолида **бекасам**, “Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг куриши” мақолида **дока рўмол**, “Бош омон бўлса, дўппи топилади” мақолида эса дўппи сўзи айнан ўзбек миллатига хос миллий маданий қадр-қимматга эга. Юқорида қайд этилган ҳалқ мақолларида миллий-лигимиз, ҳалқимизнинг ўзига хос фазилатлари, одоб-ахлоқи, дунёқараши, ижтимоий ҳаёт тарзи ва ҳоказолар акс эттирилган. Ёшларни ҳар томонлама етук, комил, жамиятда фаол, ватанпарвар бўлишларига эришишда қуида ҳамкорлик фазилатлари акс этган мақолларни тавсия этамиз:

“Кўпдан қуён қочиб қутилмас”; ”Бирники мингга, мингники туманга”; ”Овул – бошқа, тилак – бир, Бармоқ – бошқа, билак – бир”; ”Бир бош – бало бош, Икки бош – мардана бош”; ”Икки ёрти – бир бутун”;” Йўлдоши қўпнинг қўлдоши

³⁶ Ўзбек тилининг изохли лугати. I жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 84-бет.

кўп”; “Қирқишигандар қирилар”; “Ёлғиз ақл ўзи яхши, Икки бўлса яна яхши”; “Давлат – оғиз бирлиқда”; “Кемага тушганнинг жони бир”; “Бириккан – куч, бирикмаган – пуч”; “Элга эл қўшилса – давлат, элдан эл кетса – меҳнат”; “Арғамчиға қил қувват”; “Бир майизни қирқ қиши бўлиб ер”; “Аҳил ишласанг, иш унар, ҳар мушкул осон бўлар”; “Ҳамжиҳатлик – давлат, ёлғизлик – кулфат”; “Кўп билан кенгаш, маъкулига ёндаш”.

Мақоллардан фойдаланиш орқали ёшларда ҳикматлар каби қадрият турларини қадрлаш, жамоа бўлиб ишлаш малакаларини мустаҳкамлаш мумкин. Ҳалқ маданиятини, миллий дунёқарашини, маданий, маънавий ва ахлоқий фазилатларини ҳамда ҳамкорлик ҳаракатларини ўзида акс эттирган ўзбек ҳалқ мақолларини миллий фазилатлар билан уйғунликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зоро, ёшларда фидокорликни намоён этиш учун маънавий мухит, маънавий фаолият, маънавий ўзликни англаш тизимини яратиш ва шу асосда ёшларнинг ватанпарварлик ва фидокорлик сифатларини шакллантиришда миллий фазилатларга, қадриятларга эътибор катта. Ўзбек ҳалқининг қадриятлари, миллийлиги, ўзига хос хусусиятлари ҳамда миллий фазилатлари – *ижтимоий, жамоавий жиҳатлар ва ахлоқий ижобий ҳамда ахлоқий салбий фазилатлардан келиб чиқиб* ажратиб чиқилди:

1. Ижтимоий жиҳатлар – мақсадлилик, бунёдкорлик, табиатга муҳаббат, ғоявий курашчанлик, ватанпарварлик, меъёрга риоя қилиш, ижтимоий фаоллик, эътиқодлик, фаолиятда ҳамиша биринчиликка интилиш.

2. Жамоавий жиҳатлар – оиласа содиқлик, меҳмондўстлик, ибрат олишга мойиллик, бошқаларга қараб иш тутиш, фарзандсеварлик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, дўстга содиқлик, жамоага интилиш, анъана ва урф-одатларни қадрлаш, бошқаларга яхшилик қилишдан завқланиш.

3. Ахлоқий ижобий фазилатлар – ҳалоллик, иболи-

лик, ҳаёлилик, тежамкорлик, саховатлилик, қаноатлилик, сабрлилик, виждонлилик, инсофлилик, шукроналик, ҳаромдан ҳазар қилиш, истараси иссиқликт.

4. Ахлоқий салбай фазилатлар – ваъдабозлик, исрофгарчилик, хуфёна эгоизм, лоқайдлик, дабдабабозлик, ҳасадгўйлик, бойлик ва мансабга мутелик, бефарқлик.

Миллатимизга хос бўлган ижтимоий жиҳатларда акс этган ватанпарварлик, эътиқодлилик каби жиҳатлар ҳақида гапирап эканмиз, “Ватанпарварлик” сўзига тўхталиб ўтамиз. Ватан (арабча “Ватан” – она юрт) кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати³⁷. “Ватанни севмоқ иймондандир” ...Ватанни севмоқ уни ардоқламоқ, қадрига етмоқ энг олий қадриятдир. Ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш оила ва жамиятнинг муаммосидир. Ватан ичра қадриятларни, урф-одатларни, халқ анъаналарини қайта тиклаш, аждодлар ҳурматини жойига қўйиш, улар қолдирган маданий – маърифий, маънавий ёдгорликларни қадрлаш, тарихий обидаларни асраш каби эзгуликлар ва фазилатлар жон қадар ширип Ватан туйғусидир³⁸.

Ватан муқаддасдир. Ундан қиммат, ундан азиз, ундан улуғ неъмат йўқдир. Шу бойликни қадрлаган, ундан чексиз фахрланган инсонгина оиласи, халқи ҳамда жамиятига меҳр-муҳаббатли бўлади. Инсон она учун қанчалик жонфидолик қилса, Ватан учун ҳам шунчалик қайғуради, уни ардоқлайди, севади ва қўриқлайди.

Миллатимизга хос бўлган жамоавий жиҳатлардан оиласа, дўстга содиклик, меҳмондўстлик, аҳиллик, анъана ва урф-одатларни қадрлаш кабиларни қайд этиб, анъана ҳамда қадриятларга тўхтаб ўтишни лозим кўрдик. Ўзбек халқининг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари жуда катта тарихий илдизга эга. Анъаналар, урф-одат-

³⁷ Мустакиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат. –Т; “Шарқ”, 1998. Б.33.

³⁸ Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гурур. Т; “Ўқитувчи”, 1999.Б.198.

лар, маросим ва байрамлар халқнинг, миллатнинг маънавијати, қадриятларининг ажралмас қисмиидир. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари замирида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларини ўзида муҗассам этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ, миллат, элат уларни кўз қорачигидай авайлаб-асраши, тараққий эттириб, келгуси авлодларга маънавий қадрият сифатида етказиши лозим.

Мустақиллик шарофати билан муҳим қадриятларимиз ҳисобланган “Наврӯз”, “Меҳржон” байрамлари, Рамазон ва Курбон ҳайитлари халқка кайтарилди. Улар билан боғлиқ расм-руsum, урф-одатлар, удумларни давр талабига, инсонларнинг эҳтиёжига мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўзбек халқи – қадимдан тўй турларига бой халқ. Жумладан, суннат тўйи, никоҳ тўйи, соч тўйи, тиш тўйи, бешик тўйи, биринчи қадам тўйи, фотиха тўйи, мучал тўйи, эллик ва ундан ортиқ ёшларни нишонлаш тўйлари, ҳайит байрамлари каби қадриятлар одамларда ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-оқибат, ҳайр-саҳоват, имон-эътиқод, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, дўстлик, тежамкорлик каби фазилатларни тарбиялашга хизмат қиласиди. Шунингдек, қадимда тўй-базмларда ўй-ин-кулгу, шеърхонлик, миллий кураш, кўпкари, асқиябозлик қилинган. Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатнинг, халқнинг ва элатнинг менталитетини оилавий хурсандчилик ёки мотам маросимлари, тантаналари тарзида ифода этади. Уларнинг барчаси мазмунан эзгуликка, инсонпарварликка, яхшиликка йўналтирилган маросимлар бўлиб, жамиятнинг ўзгариши ва давр талаби билан шаклан ва мазмунан ўзгариб боради. Баъзи анъаналар маънавий қадрият даражасига кўтарилади. Жумладан, Наврӯз байрами Шарқ халқларининг миллий-маънавий қадриятларидан ҳисобланади³⁹.

Наврӯз – янгиланиш, яшнаш, яшариш байрами, табиатнинг уйғониши билан боғлиқ янги куннинг бошланиш байрамидир. “Наврӯз” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “Нав” –

³⁹ Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий тарз. Т; “Ўқитувчи” 1999. Б.140.

янги, “Рўз” – кун, яъни “Янги кун” деган маънони англатади. 21 март кеча ва қундуз тенглашган кун – янги йил – Наврўз байрами сифатида Шарқ ҳалқлари томонидан кенг нишонланади. Наврўз жуда қадимий байрам эканлиги ҳақида Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”⁴⁰, Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнома”⁴¹, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Ҳожа Али Термизийнинг “Наврўзнома”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асарларида кенг ёритилган. Ушбу асарларда байрамнинг пайдо бўлиш тарихи, у билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русумлар ҳақида кимматли маълумотлар берилган.

Диний қадрият илдизлари инсон онги ва руҳияти билан боғлиқ диний таълимотларга бориб тақалади. Аждодларимизни диний-ахлоқий қарашларида комил инсон маънавий-ахлоқий камолотнинг тўрт босқичини босиб ўтмоғи лозимлиги таъкидланган. Булар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборат. Буюкларимиз наздида олий ҳақиқатга етишмоқ учун шариат ва тариқатдан хабардор бўлишнинг ўзи етарли эмас, маънавий комил инсон маърифатли, илмли бўлмоғи лозим.

Динларнинг мавзу қамрови жуда кенг бўлиб, улар маънавий-ахлоқий қарашлардан иборат. Унда ҳалоллик, поклик, адолат, иймон, инсоф, қаноат, ростгўйлик, диёнат каби юксак фазилатлар илгари сурилади. Шунинг учун ҳам диний қадриятларда, барча динларни яратилиши учун асос бўлган Авесто, Забур, Таврот, Инжил, Қуръон каби муқаддас китобларда зикр этилган эзгу ғоялар маълум даражада ўз ифодасини топади. Масалан, кишилик тафаккури ва маънавиятигининг энг қадимий тарғиботчиларидан бўлмиш “Авесто” таълимотининг ахлоқий асосларини “Эзгу фикр”, яъни фикрлар соғлиги, “Эзгу калом”, яъни эзгу сўзнинг событлиги, “Эзгу амал”, яъни амалларнинг инсонийлиги ташкил этади. Ислом динида ҳам юксак инсоний фази-

⁴⁰ Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар. Т; “Фан”, 1968.

⁴¹ Умар Ҳайём. Наврўзнома. Т; “Мехнат”, 1990, Б.15.

латлар улуғланиб, аксинча ёмон феъл-атвор, иллатларнинг инсон ва жамият учун кулфат ва азоблар келтириши қайта-қайта таъкидланади. Шу ўринда фалсафий қарашлардаги ахлоқий-диний қадрият унинг рухшунослик табиатидан келиб чиқади. Бундай ахлоқийлик ўз-ўзини тарбиялаш, рухни тубанлиқдан юксакка, покликка кўтариш билан боғлиқдир. Иймон – кишиларнинг пок, тоза юриши, танани озода тутиши, ёмон ният ва сўзлардан ўзини тийиши, ёмон амаллардан воз кечиши, ножӯя ишлардан юз ўгириши, виж-донли бўлишидир. Бўри Зиёмуҳаммадов ўзининг “Комилликка элтувчи китоб” номли асарида “Куръонда имоннинг ўзига хос мезони саналган саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр-тоқат, тўғрилик, вафодорлик ва содикликка катта эътибор берилган”⁴², деган таъриф ҳам иймон мезонлари, диний қадриятларнинг асоси бўлиб, инсонларни яхшиликка, меҳр-мурувватга, атрофдагиларга бефарқ бўлмасликка, оила, маҳалла ва юртига садоқатли бўлишга чорлайди. Ҳадисларда инсоннинг маънавий камолот мезони, унинг тафқур доираси, дунёкарашининг кенглиги, билимларнинг қай даражада эканлиги кўрсатилган. Жамиятга ва ўзига фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишда муҳим омил – билим эгаллаш деб қайд қилинган. *Толиби илм фарзdir. Толиби илмга ҳар бир нарса истигфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам. Билимсизлик – кишиларни нодонликка олиб келади. Билимсиз жамиятда жаҳолат, разолат ҳукмронлик қиласди, – дейилган Ҳадиси шарифда.* Шунингдек, Ҳадисларда билим кишининг фаҳм-фаросатини ўткир, зехнини зукко, хотирасини кучли қилиши таъкидланади ва “Илмни Чин (Хитой)да бўлса ҳам бориб ўрганинглар”⁴³, -деб даъват этилади. Шунга кўра, “Олим бўл ёки билим ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ё бўлмаса билим ва илм ахлига муҳаббатли бўл, Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан”⁴⁴,

⁴² Зиёмуҳаммадов З. Комилликка элтувчи китоб. Т; “TURON-IQBOL”, 2006. Б.191.

⁴³ Муҳаммад пайғамбар киссаси. Ҳадислар. Т; “Камалак”. 1991. Б.51-60

⁴⁴ Муҳаммад пайғамбар киссаси. Ҳадислар. Т; “Камалак”. 1991. Б.61

– дейилган. Динлар маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳасини қамраб олиб, инсонлар фаолиятига ақлий ва баддий жиҳатдан таъсир этиб келди, уларнинг маънавий юксалишига ёрдам берди. Биз инсоннинг ташки гўзаллиги – бу унинг зоҳиран кўринадиган барча амалий харакатлари ва фазилатлари; озода ва покиза юриш, ораста ва саранжом, ўзига ярашадиган кийим кийиш; Оллоҳ ўзи инъом этган гўзалликка гард юқтирасмаслик, оддийлик ва соддалик, вазмин ва жиддий муносабатни тушуниш қобилияти эканлигини унутмаслигимиз ва энг аввало, ўзимиз ёшларга ўрнак бўлишимиз зарур.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА ҚАДРИЯТЛАР

Ҳозирги даврда миллий ва маънавий қадриятларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамиятининг ошиб бориши, ёшлар камолотидаги ўрни барчамиз учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз юқорида миллий-маънавий, маданий, таълим-тарбия, ахлоқ каби қадрият турлари, унинг моҳияти, инсон тафаккури, дунёқарашига таъсири, комил инсон тарбиясидаги ўрни каби масалаларни имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдик. Шу ўринда ёшлар тарбиясини маънавий қадрият ва миллий истиқлол мафкураси тамойиллари билан уйғунликда олиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўзига хос удумлари, унинг юксак ахлоқий фазилатлари маънавиятилиз ўзагидир. Барчамизга маълумки, бугунги кунда миллий қадриятларни тиклаш, такомиллаштириш, ўзлигимизни билиш, маънавий қадриятлар тизимини яратиш умуммилий, долзарб вазифалардан биридир.

Юксак маънавий қадриятларни миллий ғоя ва мафкура билан уйғунликда олиб борища умуминсоний қадриятлар, таълим-тарбия, илм-фан ва одоб-ахлоқнинг ўрни ўзгачадир. Жумладан, ахлоқий тарбия ва ахлоқий дунёқарааш

ўз яқинлари, Ватани олдидаги бурч ва жавобгарлик ҳиссими шакллантиради.

Мафкура – муайян ижтимоий гурух, ижтимоий қатлам, миллат, давлат халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этган ғоялар тизимиdir. Унинг *фалсафий, дунёвий ва диний илдизлари* бор. Мафкуранинг мақсади – инсонларни муайян ғояга ишонтириш, бу йўлда маънавий-руҳий рағбатлантириш, инсонларни ғоявий тарбиялаш йўлларини уюштириш, инсонларда ғоявий иммунитетни шакллантиришга сафарбар этишdir.

Қадрият – унинг моҳияти ва мазмуни, миллий қадриятларнинг намоён бўлиш шаклларини ва уларнинг асосий хусусиятларини ўз ичига қамраб олган. Шунингдек, қадрият мавзуларида Ўзбекистон тарихини шарқона қадрлаш, уларга ватанпарварлик руҳида муносабат билдириш, ёшлар онгида истиқлол ва қадриятларга нисбатан қарашнинг ижобий томонга ўзгариши, миллий қадриятларни асрash ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлигини таъминлаш жуда муҳимdir.

Миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Халқнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларнинг ўлмас меросидан озиқланади. Халқнинг ишонч ва эътиқоди акс этган адолат, ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғояларида юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш назарда тутилади. Шунингдек, жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро хурмат туйғусини қарор топтиради. Жамоатчилик қалби ва онгиги

га фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилла-рига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. У ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт ол-дидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезонидир. Бу – Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир фуқаронинг “Ватаним менга нима берди” деб эмас, балки “Мен Ватаним равнақи учун нима қиляпман”, деган масъулият туйгуси билан яшashi демак⁴⁵.

Шу ўринда, халқимизга бўлаётган хавф ва таҳдидлар ички ва ташқи хавфлар бўлиб, улар қўйидагилардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиши жоиздир:

Ички хавфлар – ғоявий бўшлиқ, тарихий хотираға тўлиқ эга эмаслик, ўғил ва қизлар тарбиясига мутаносиб ёндашмаслик, йўл кўйилган хато, камчиликлардан ўқинмаслик ва хулоса чиқармаслик, ғийбат қилиб ҳузурланиш, сўзлашув маданиятига, она тилимиз қоидаларига эътиборсизлик, ношукурлик, иккиюзламачилик, дангасалик, шахсиятпарастлик, маҳаллийчилик.

Ташқи хавф – маънавиятимизга зид, ёт диний оқимлар таъсири, сохта демократия шаклларини сингдиришга уриниш, ғарбона гедонизм, ғоявий тазиқлар, енгил-елпи санъат турларига маҳлиёлик (рок, рэп, металл, брейк данс ва ҳоказо), сиёсий-мафкуравий таъсиrlар, одобсизлик, уятсизлик тарғиботи, эгоизм ва индивидуализм, ақидапарастлик, экстремизм, бошқа маданият, урф-одатларга бери-лувчанлик (Валентин куни, Хеволин байрами, ғарбона ва шарқона кийинишга мойиллик).

Бундай хавфлардан ёшларни ҳимоя қилиш мақсадида ёши авлодни қўйидаги миллий истиқтол ва қадрияtlар асосида тарбиялаш зарур:

1. Мустақил дунёқарашиб ва эркин тафаккурни шакллантириш;

2. Ҳур фикрли, журъатсизликдан холи, ўз билими ва ку-

⁴⁵ Миллий истиқтол гояси: кўргазмали воситалар. Т; “Маънавият”, 2001, Б.12.

чиға ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;

3. Одамлар, айниқса, ёшларнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қила-диган маънавий муҳит яратиш;

4. Ватандошлар тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларни асраш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;

5. Халқимизга хос иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни янада юксалтириш;

6. Мамлакатнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида “Ўзбекистон – ягона Ватан”⁴⁶ – деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантириш.

Миллий ўзликни англаш миллатнинг тили, урф-одатлари, қадриятлари, худудий ягоналиги, маънавиятдаги ўзига хослигидан иборат миллийлиги каби миллатнинг мустақил белгиси ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш миллатнинг мустақил эканлиги – миллий манфаатлар, эҳтиёжлар умумийлигини ҳимоя қилиш ва миллий-тараққиётга эришиш ва унинг жаҳон тараққиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш заруриятини англаш билан белгиланади⁴⁷. Ўз-ўзини англаш – бу ўз Ватани ва шу Ватанда яшаган халқнинг, миллатнинг ўтмиши, унинг маданияти, урф-одати, қадриятларини билиши демакдир. Ўз-ўзини англаш шундай бир ноёб жараёнки, унинг моҳиятига етиш инсонда битмас-туганмас меҳр-муҳаббат, шафқат, умумий инсонпарварликни шакллантиради.

⁴⁶ Миллий истиқлол гояси: кўргазмали воситалар Т; “Маънавият”, 2001, Б.12.

⁴⁷ Г.Тиллаева ва бошқалар. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т; 2009, Б.31

ХУЛОСА

Ёш авлодни маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш, алломаларнинг ўгити, доно сўзлари, фикрларини қадрлаш, ўрганиш, ҳаётда қўллаш ёшларни фикр ва дунёқарашини кенгайтиради. Бугунги ёшлар – келажак пойдевори. Шундай экан, уларни ҳар томонлама етук, комил, ватанпарвар, юрт тинчлиги ва равнақи йўлида фидокор бўладиган фарзандлар қилиб тарбиялаш зарур.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис эта-диган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбida доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга унданб турусин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан⁴⁸ – деган фикрлари барчамизга дастуриламал бўлиши зарур. Таъкидлаш жоизки, миллий қадриятлар қатори, миллий истиқлол мафкурасининг вазифаси мустақил тафаккур соҳиби, маънавий баркамол, комил инсонни шакллантириш, жамиятни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, кўп миллатли ўзбекистонликлар онгига ватанпарварлик, инсонпарварлик, қонунни хурмат қилиш, эл-юрт учун фидойилик, иймон-эътиқод, ҳалоллик каби юксак маънавий сифатларни шакллантириш, миллатимиз шаънини бутун дунёда ҳимоя қилишдан иборат.

⁴⁸Шавкат Мирзиёев. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. “Ўзбекистон”, 2016.Б.486

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т; “Фан”, 1968.
2. Жалолов. Ҳ. Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги. Тарбия. №2 (6), 2006. Б.13
3. Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб.Т; “TURON-IQBOL”, 2006. Б.191
4. Комилов Т., Абидова С. Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. ЎзР ФА, “Фан”, 2000.Б.20;
5. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугати. (А. Жалолов ва Хонназаров умумий таҳририда). – Т; Шарқ, 1998, Б. 279
6. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат. –Т; “Шарқ”, 1998. Б.33.
7. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғуурп. Т; “Ўқитувчи”, 1999. Б.198.
8. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. Т; 2010. Б. 707.
9. Мухаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т; “Камалак”. 1991. Б.51-60, 61
10. Миллий истиқлол гояси: кўргазмали воситалар. Т; «Маънавият», 2001. Б.12.
11. Кошифий В.Ҳ. Ахлоқи Мухсиний. – Т; ЎзМЭ, 2010.
12. Мажидов Н. Оила – муқаддас Ватан. Соғлом авлод учун. №1. 2000. Б.19
13. Маврулов А. Ватанни севиш масъулияти. Т:“Sano-standart” Б. 46.
14. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. “Ҳикматнома”.
15. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. - Т; “Ўзбекистон”,1997.Б.48.
16. Сафо Очил. Мустақиллик ва тарбия масалалари. Т; “Ўзбекистон”, 1995. Б.5-6
17. Словарь иностранных слов. М;1964. С.348
18. Тарбия энциклопедияси. 2010. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Б.509, 510
19. Тиллаева Г., Юсупов К., Бобоев Н., Халдибекова Ф., Юсупов А. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т: “Фалсафа ва хуқуқ институти” 2009. Б.12,16

20. Тўланов.Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т; “Ўзбекистон”, 1998. Б.333.
21. Темирова Н.Э. Қадриятлар ва ёшлар камолоти. –Т: Фалсафа ва хукуқ институти. 2008. Б.26
22. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Шкодлы «Языки русской культуры», 1996. – С. 241.
23. Умар Хайём. Наврўзнома. Т; “Мехнат”, 1990, Б.15.
24. Фалсафа: қомусий лугат. – Т; «Шарқ», 2004. Б.313.
25. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т; “Ўзбекистон”, 2012. II боб. 14-модда. Б. 5.
26. Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари. Т; “Ижтимоий фикр”, 2011. Б.44-45.
27. Ўзбек тилининг изохли луғати. I жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 84-бет.
28. Қаюмов Ў. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида. Б. 45.
29. Қодирова. О. Оиласий келишмовчиликлар. Тарбия №2 (6), 2006. Б.
30. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт (илмий ишлар тўплами). –Т; “Ўзбекистон”, 1997. Б.198;
31. Юсупова Л. Ўзаро ишонч тарбия воситаси бўлсин. - Болава замон.№2. 2006. Б.33.
32. Фофуров F. Миллий анъаналар//Халқ сўзи, 1993 йил. 11 февраль, Б. 2
33. Фойибназаров Ш. Оммавий маданият Т; “Ўзбекистон”, 2012. Б.13-14.
34. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга қўтарамиз. “Ўзбекистон”, 2016. Б.324,486, 487.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Миллий қадрият ва оила.....	4
Ёшлар тарбияси: маънавий қадрият ва “оммавий маданият”.....	9
Миллий қадриятлар ва уларнинг турлари.....	16
Мақоллар ва миллий фазилатларда қадрият.....	20
Миллий истиқтол мафкураси ва қадриятлар.....	28
Хуоса.....	32
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	33

ФАРМОНОВА МУЗАЙЯМХОН

**ҚАДРИЯТЛАР – МАЪНАВИЙ
КАМОЛОТАСОСИ**

Илмий-услубий қўлланма

Муҳаррир: *Шуҳрат Деҳқонов*

Мусахҳих: *Даврон Мансуров*

Дизайнер: *Валерий Кокшаров*

Саҳифаловчи: *Ислом Якубов*

“TASVIR NASHRIYOT UYI” МЧЖ

Нашриёт лицензияси: AI № 292. 23.02.2017 й.

Босишига рухсат этилди 09.09.2019.

Бичими 84x108_{1/32}. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. Босма табоғи 2,25.

Нашриёт босма табоғи 1,75. Адади 1000 нусҳа.

Буюртма рақами _____. Баҳоси келишилган нархда.

«KOLOR PAK» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8.

Тел.: +998 71 230 27 73, +998 71 230 27 74